

Туркия президенти исломофобияга қарши курашишга чақирди



16:56 / 12.08.2022 1700

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдўғон мамлакат бош дипломатларини Ғарб давлатларида «муслмонлар ва турклар»га нисбатан душманлик кучайиб бораётган бир шароитда исломофобияга қарши курашишга чақирди. Бу ҳақда islam.ru нашри хабар берди.

Эрдўғон шу ҳафта бошида Ташқи ишлар вазирлигининг йиллик элчилар конференциясида сўзлаган нутқида «Маданий ирқчилик» бутун дунёда, айниқса, Ғарб давлатларида кучайганини айтди. Хусусан, кўчаларда рўмол ўраган аёлларни ҳақорат қилиш, полиция қўриқлаши остида Қуръон Каримни ёқиш, масжидларда чўққанинг кесилган бошларини қолдириш буларнинг барчаси исломофобиянинг қўрқинчли даражада эканлигини кўрсатади, дея таъкидлади.

Шунингдек, айрим Европа давлатларини ишончсиз баҳоналар билан уюшма ва масжидларни ёпишда айблади.

Муаммоларга ечим бериш мақсадида президент элчилардан халқ тарафида янада мустаҳкам бўлиб, ҳар қандай шароитда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва қадр-қимматини қатъий ҳимоя қилишни, уюшма ва масжидларда кучайиб бораётган босимни сиёсий ва ҳуқуқий йўллар орқали зарарсизлантириш муҳим эканлигини айтиб ўтди.